



2013 у.г. «21 » январь

№ 19-К

Samarqand sh., – г. Самарканд

**“Қорадарё” дарёси ўзанидан 2,0 км узунликдаги 40 гектар ер майдонини  
“Ситора Сифат Сервис” масъулияти чекланган жамиятига дарё оқимини  
тартибга солиш ва ўзанини тозалаш жараёнида қазиб олинган қум ва  
шагални қайта ишлаш мақсадида бириктириб бериш тұғрисида**

“Ситора Сифат Сервис” масъулияти чекланган жамиятининг вилоят  
худудидан оқиб ўтаётган “Қорадарё” дарёси ўзанини тозалаш, дарёнинг оқимини  
тартибга солиш ва ўзанини тозалаш жараёнида инерт материаллари (қум,  
шагал)ни қайта ишлаш учун ер майдонини бириктириб бериш тұғрисидаги  
2012 йил 20 декабрдаги мурожаатига асосан, Ўзбекистон Республикаси табиатни  
муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2012 йил 17 октябрдаги 18/9083-сонли,  
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2012 йил 26 декабрдаги  
01-1906-сонли ҳамда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг  
2013 йил 5 январдаги 02/03-сонли хулосаларини инобатта олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. “Ситора Сифат Сервис” масъулияти чекланган жамиятига вилоят  
худудидан оқиб ўтаётган “Қорадарё” дарёсидан дарёнинг оқимини тартибга  
солиш ва ўзанини тозалаш мақсадида инерт материаллари (қум, шагал)ни қазиб  
олиш ҳамда қазиб олинган инерт материалларини қайта ишлаш учун дарё  
ўзанидан 2,0 км узунликдаги 40 гектар ер майдони бириктириб берилсин.

2. “Ситора Сифат Сервис” масъулияти чекланган жамияти (Т.Муродов)га  
“Дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тұғрилашни ташкил қилиш”  
лойихаси асосида давлат экологик экспертизасининг 2012 йил 17 октябрдаги  
18/9083-сонли ижобий хулосаси талаблари түлиқ бажарылғандан кейин ҳамда  
жеколик оқибатлар лойихасига Давлат экологик экспертизасининг ижобий  
хулосаси олинғандан сўнг дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини  
тұғрилаш ҳамда қайта ишлаш мақсадида инерт материаллари (қум, шагал) қазиб  
олишга рухсат берилсин.

3. Вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (З.Жамолов) ва Зарафшон  
ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (F.Қосимов)лар Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли  
“Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар,  
магистраль каналлар ва коллекторларнинг шунингдек, ичимлик сув ва майший

194

ув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган суванбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш ўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли “1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат астури тўғрисида”ги қарорлари шунингдек, давлат экологик экспертизасининг 012 йил 17 октябрдаги 18/9083-сонли ижобий холосаси талабларига қатъий риоя илинишини назоратга олишни таъминласинлар.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринbosари Алиходжаев зиммасига юқлатилсин.

Вилоят ҳокими



З.Мирзаев

*[Handwritten signature of Z. Mirzaev]*